

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ-ФАРМАЦЕВТИКА ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МИРАКИЛОВА ДИЛФУЗА БОТИРАЛИЕВНА

***ALCEA ROSEA L.* ЎСИМЛИГИ АСОСИДА БАЛҒАМ КЎЧИРУВЧИ
ВА ЯРАГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

15.00.01 – дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Миракилова Дилфуза Ботиралиевна

Alcea rosea ўсимлиги асосида балғам кўчирувчи ва
ярага қарши дори воситалари технологияси 3

Миракилова Дилфуза Ботиралиевна

Технология отхаркивающих и противоязвенных
лекарственных средств на основе Alcea rosea 30

Mirakilova Dilfuza Botiralievna

Technology of expectorant and anti-ulcer medicines
based on Alcea rosea 58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 62

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ-ФАРМАЦЕВТИКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МИРАКИЛОВА ДИЛФУЗА БОТИРАЛИЕВНА

***ALCEA ROSEA L.* ЎСИМЛИГИ АСОСИДА БАЛҒАМ КЎЧИРУВЧИ
ВА ЯРАГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

15.00.01 – дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Far3 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Азизов Умархон Мухтарович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сагдуллаев Баходир Тохирович
техника фанлари доктори

Маматханов Ахмадхон Умарханович
техника фанлари доктори, профессор

Юнусова Холида Маннановна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади.

(Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99 871) 256-37-38; факс: (+99 871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz)

Докторлик диссертацияси билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

И.И. Алимджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ё.С. Қариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби в.б., ф.ф.д., профессор

С.Н. Аминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нафас йўллари инфекцион касалликлари ўлимга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. “2015 йилда дунёда бу хасталикдан қарийб 3,2 миллион инсон ҳаётдан кўз юмган. Ошқозон-ичак тракти хасталиклари ҳам юрак-қон томир ва онкологик касалликлардан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Сурункали гастритнинг натижаси бўлмиш ошқозон ярасига ер юзи аҳолисининг ҳар ўн бешинчиси чалинган. Ошқозон шиллиқ қаватининг яллиғланишига олиб келадиган *Helicobacter pylori* патоген бактериялари билан зарарланиш катта ёшли беморларнинг 62-94% да қайд этилган.”¹ Бу муаммоларнинг ечими нафас йўллари ва ошқозон ичак тракти касалликларини даволашда қўлланиладиган, хорижий аналоглардан фарқ қилмайдиган дори воситаларини яратиш учун маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёларидан фойдаланиш зарур бўлмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда юқори нафас йўллари ва ошқозон-ичак тракти касалликларининг комплекс терапиясида қўллаш учун маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида антибактериал, жароҳатларни тикловчи, регенерацияловчи, иммунитетни оширувчи, тетиклаштирувчи ҳамда спазмолитик таъсирли безарар замонавий дори воситаларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада юқори нафас йўллари ва ошқозон ичак тракти яллиғланиш касалликларини даволашда қўлланиладиган ўсимлик хом ашёлари асосида олинган препаратларининг дори шаклларини ишлаб чиқаришни самарали технологиясини яратиш зарур. Фармацевтика саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналиши – бу хориждан олиб кирилаётган дори препаратларининг улушини камайтириш ва маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ассортименти ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, рақобатбардошлигини таъминлаш иқтисодий ва социал муаммоларни ечишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, хавфсиз ва арзон дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳа йўналишида “фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш”² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, “Зомин-фарм”, “Паркент-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Бўстонлик-фарм”, “Нукус-фарм” каби эркин иқтисодий ишлаб чиқариш зоналарининг ташкил этилиши, ушбу соҳани ривожлантиришнинг

¹ Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ахборот бюллетени. 2015/2

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони

устувор йўналишлари сифатида катта аҳамият касб этади. Аҳолини биосамарадор дори препаратлари билан таъминлаш, маҳаллий хом ашё ресурсларидан янги, юқори таъсирли дори воситаларини яратиш илмий амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «VI. Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Доривор ўсимликлар асосида олинган дори воситаларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Ратгерс университети, Иллинойс университети (АҚШ, Нью Джерси, Урбана-Шампейн), Марбург университети (Германия), Копенгаген фармацевтика университети (Дания), Кинки университети (Япония, Осака), Мазандарон тиббиёт фанлари университети, анъанавий ва комплементар тиббиёт илмий-тадқиқот маркази (Эрон, Сари), шунингдек Курск тиббиёт университети, Санкт-Петербург Давлат кимё-фармацевтика университети, Россия доривор ва хушбўй ўсимликлар илмий-тадқиқот институти, Перм Давлат фармацевтика академияси (Россия), Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Доривор ўсимликлар хом ашёси асосида дори воситаларини яратиш, тиббиёт амалиётида қўллаш учун биологик самарадорлигини оширишга оид жаҳонда олиб борилган илмий изланишлар натижасида табиий биологик фаол моддаларни излаб топишнинг янги стратегияси ишлаб чиқилган (Ратгерс университети, АҚШ), *Alcea rosea* L. ва гулхайридошлар оиласининг назарий ва амалий жиҳатдан хоссалари асосланган (Машхад тиббий фанлар Университети, Эрон); баҳмалгул полисахаридлар манбаи сифатида (Курск тиббиёт университети, Россия), ўсимликлар асосида «Глэсон», «Термопсол» номли йўталга қарши кўп компонентли препаратлар ишлаб чиқилган

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.ratgers-university.de, www.illinois-university, www.frankfurt-university, www.uni-marburg.de, www.ataumi.edu.tr, www.pb.edu.pl, www.units.it, www.mazandaron-university, www.pharmacy.ku.dk, www.uzkfiti.uz ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

(Россия), балғам кўчирувчи таъсирга эга қиём ва капсула дори шакллариининг технологиялари яратилган.

Дунёда яллиғланиш касалликларини даволаш бўйича жаҳонда қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: таркибида табиий хом ашёлар фитокомплексларини сақловчи балғам кўчирувчи ва турли ички яраларга қарши дори воситаларининг таблетка, капсула ва қиём дори шакллариини яратиш; дори воситаларининг безарарлигини таъминловчи сифат меъёрларини аниқлаш; дори воситаларининг биофармацевтик хусусиятларини мўътадиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Изланувчилар М. Ahmadi, A.K. Rad, Z. Rajaei, M.A.R. Hadjzadeh, N. Mohammadian, Tabasi (Эрон) *Alcea rosea* L. илдизи экстрактини каламушларда этиленгликоль билан чақирилган уролитиазни олдини олувчи ва даволовчи восита сифатида ўрганишган¹.

О.Д. Барнаулов, О.А. Маничева, Н.А. Трухаева, И.С. Кожина, Н.Е. Фокина, И.Л. Дроздоваларнинг илмий ишлари *Alcea rosea* L. ни полисахаридлар манбаи сифатида ўрганишга бағишланган².

Пушти баҳмалгул ўсимлиги асосида дори препаратларни яратишда Ўзбекистонлик олимлар Х.Х. Холматов, С.А. Салихов, Д.А. Рахимов, У.М. Азизов, Х.У. Алиевлар катта ҳисса қўшишган. Улар томонидан пушти баҳмалгулнинг Ўзбекистонда ўсадиган тури хом ашё сифатида ўрганилиб, унинг ривожланиш фазаларига қараб турли қисмларида сувда эрувчан полисахаридларнинг йиғилиши ва уларнинг кимёвий таркиби таҳлил қилинган. Шунингдек, С.А. Салихов ва бошқалар томонидан баҳмалгулнинг қизилмия ўсимлиги билан композициялари ва уларнинг халқ хўжалигида ишлатилиши ўрганилган³.

Ушбу диссертация ишида пушти баҳмалгул ўсимлиги илдизи ва пояси асосида биринчи марта йўталга ва ошқозон ярасига қарши дори препаратлари яратилган, уларни ишлаб чиқариш технологиялари ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган, биофармацевтик ва фармакологик хоссалари ўрганилган ва тиббиёт амалиётида қўлланишининг илмий асослари ёритиб берилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ П.15-24 «Пушти баҳмалгул ва қизилмия илдизлари куруқ экстрактлари асосида балғам кўчирувчи ва яллиғланишга қарши дори воситасини яратиш» (2003-2005), А-

¹ Ahmadi M., Rad A.K., Rajaei Z., Hadjzadeh M.A.R., Mohammadian N., Tabasi A. *Alcea Rosea* root extract as a preventive and curative agent in ethylene glycol induced urolithiasis in rats. *Ind. J Pharmacol* 44 (3): 304-307.

² Барнаулов О.Д., Маничева О.А., Кожина И.С., Трухалева Н.А. Фармакологические свойства полисахаридов из стеблей шток-розы розовой // Тез.докл. IX конф. «Изобретательство и рационализация в медицине и мед. промышленности». – Л., 1984. – С.222-224.

³ Салихов С.А. Совмещение солодки в мелиоративной культуре со шток-розой // «Изучение и использование солодки в нар. хозяйстве СССР»: материалы науч. сообщ. 4 Симпоз. Алма-Ата, 1991.1. С. 104-107.

10-005 «Пушти баҳмалгул пояси куруқ экстракти асосида яллиғланиш жараёнларини даволовчи дори воситасини яратиш» (2006-2008), ИТД-12-008 «Пушти баҳмалгул пояси ва қизилмия илдизи куруқ экстрактлари асосида ярага қарши дори воситасини яратиш ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2009-2011), А-11-005 «Маҳаллий хом ашёлар асосида балғам кўчирувчи қиёмни яратиш ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014), А-11-007 «Яллиғланишга қарши ва балғам кўчирувчи «Глицирозин» препаратининг капсула дори шакли технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014), И-2016-6-2 «Маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида ошқозон ярасига қарши “Глицирофит” препаратини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш» (2016-2017), ИТД-11 «Маҳаллий, табиий ва синтетик хом ашёлар асосида янги дори воситалари технологияларини ишлаб чиқиш» лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Alcea rosea* L. ўсимлиги асосида балғам кўчирувчи ва ошқозон ярасига қарши таъсирга эга бўлган янги самарадор дори воситалари таркиби ва дори шакллари технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пушти баҳмалгул пояси ва илдизидан куруқ экстракт олиш технологиясини яратиш, экстракция жараёни ва қуритишнинг асосий технологик параметрларини ўрганиш ва стандартлаш;

тажриба-саноат шароитларида пушти баҳмалгул пояси ва илдизидан куруқ экстракт олиш ва тажриба-саноат регламентларини ишлаб чиқиш;

пушти баҳмалгул пояси ва илдизидан олинган куруқ экстрактларга Вақтинчалик фармакопеея мақолаларини (ВФМ) ишлаб чиқиш;

«Альцеум», «Глицирозин» таблеткалари, «Глицирозин», «Гастрофит», «Глицирофит» капсулалари ва «Пульмостим» қиёмининг илмий асосланган таркибини танлаш, уларни олиш технологияси, сифат назорати ва стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда Корхона фармакопеея мақолаларини яратиш ва технологик регламентларни ишлаб чиқиш;

пушти баҳмалгул асосида олинган дори препаратларини тиббиёт амалиётида қўллаш ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» Давлат унитар корхонасига тақдим қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пушти баҳмалгул илдизи ва поясидан куруқ экстракт ва тайёр дори шакллари танланган.

Тадқиқотнинг предмети хом ашёнинг биологик фаол моддаларини аниқлаш, пушти баҳмалгул илдизи ва поясидан куруқ экстрактлар ҳамда улар асосида таблетка, капсула ва қиём дори шакллари олиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда технологик, физик, физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик усуллардан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пушти баҳмалгул илдизи ва поясидан олинган қуруқ экстрактлар асосида «Альцеум» ва «Глицирозин» таблеткалари, «Глицирозин», «Гастрофит» ва «Глицирофит» капсулалари ҳамда «Пульмостим» кўп компонентли қиёми янги дори препаратлари яратилган;

илк бор юқори нафас йўллари яллиғланишида балғам кўчирувчи «Альцеум», «Глицирозин» таблетка ва капсула дори шакллари ҳамда ошқозон-ичак ярасини даволовчи «Гастрофит» ва «Глицирофит» капсула дори шакллари олиш технологиялари ишлаб чиқилган;

илк бор бешта маҳаллий доривор ўсимликлар (пушти баҳмалгул илдизи, қизилмия илдизи, катта зубтурум барги, наъматак меваси ва термопсис ўти) асосида оригинал дори воситаси – «Пульмостим» кўп компонентли қиёмнинг муқобил таркиби танланган ва олиш технологияси ишлаб чиқилган;

пушти баҳмалгул экстрактлари ва улар асосида олинган дори шакллари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган;

клиник олди фармакологик изланишлар ва клиник тадқиқотлар натижалари асосида яратилган дори воситаларининг фармакотерапевтик самарадорлиги ва хавфсизлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

нафас йўллари яллиғланиши ва ошқозон-ичак ярасида қўлланиладиган «Альцеум», «Глицирозин», «Гастрофит», «Глицирофит», «Пульмостим» дори воситалари яратилган;

«Альцеум», «Глицирозин» препаратларига (04-07-сон шаҳодатнома, 05-07-сон шаҳодатнома) тиббиётда ишлатишга рухсат берилган;

пушти баҳмалгул илдизи қуруқ экстракти, пушти баҳмалгул пояси қуруқ экстракти, «Глицирозин» таблеткалари, «Глицирозин» капсулалари, «Глицирофит» капсулалари, «Пульмостим» қиёми дори препаратларига тажриба-саноат регламентлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик ва статистик усулларидан фойдаланилганлиги, шунингдек уларни тажриба саноат шароитида синовдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оригинал дори воситаларининг терапевтик самарадорлиги бўйича хорижий аналогларидан кам бўлмаган, маҳаллий хом ашёлар асосида яратилган, иқтисодий жиҳатдан улардан устун бўлган дори воситаларини ишлаб чиқариш имкониятини яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар асосида пушти баҳмалгул қуруқ экстрактлари ва улар асосида яратилган дори препаратлари нафас йўллари ва ошқозон-ичак касалликларида самарали дори воситалари сифатида тиббиёт амалиётига тавсия қилиниб, уларни саноатда ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пушти баҳмалгул ўсимлиги асосида балғам кўчирувчи ва ярага қарши дори воситалари технологияларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Пульмостим» қиёми учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05436, 24.07.2017 й.). Илмий тадқиқот натижасида маҳаллий доривор ўсимликлар асосида олинган янги қиёмнинг таркиби юқори нафас йўллари касалликларини самарали даволаш имконини берган;

пушти баҳмалгул илдизи, пушти баҳмалгул илдизи қуруқ экстракти, пушти баҳмалгул поялари, пушти баҳмалгул пояси қуруқ экстракти, «Альцеум» таблеткалари, «Глицирозин» таблеткалари ва капсулалари учун меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг қарори билан тасдиқланган (ФМ 42 Уз-0613-2017; ФМ 42 Уз-1067-2017; ФМ 42 Уз-1369-2017; ФМ 42 Уз-1370-2017; ВФМ 42 Уз-1068-2007; ВФМ 42 Уз-1069-2007; КФМ 42 Уз-22815978-2017). Натижада олинган дори воситалари юқори нафас йўллари ва ошқозон-ичак касалликларини самарали даволаш имконини берган;

Пушти баҳмалгул илдизлари қуруқ экстракти ва пушти баҳмалгул поялари қуруқ экстракти Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасида рўйхатга олинган (гувоҳнома, №07/384/1, 2012 й.; №08/499/2, 2012 й.). Мазкур меъёрий ҳужжатнинг тасдиқланиши маҳаллий хом ашё асосида яратилган, иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган дори воситаларини ишлаб чиқариш имконини берган;

«Альцеум», «Глицирозин» препаратларига (04-07-сон шаҳодатнома, 05-07-сон шаҳодатнома, Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси №01572/06/17) тиббиётда ишлатишга рухсат берилган;

«Пульмостим» қиёми (далолатнома, 14.04.2016 й.) ва «Глицирофит» капсулалари (далолатнома, 21.12.2017 й.) «LAFZ» МЧЖда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Натижада «Пульмостим» ва «Глицирофит» препаратларини тайёрлаш технологиялари ўзлаштирилиб, дори препаратларини ишлаб чиқариш импортни қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 1та патент олинган ва жами 49 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 170 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Доривор ўсимликлар асосида олинган балғам кўчирувчи ва ошқозон ярасига қарши фитопрепаратларнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида доривор ўсимликлар ва улар асосида олинадиган дори препаратларининг тиббиёт амалиётидаги аҳамияти ва қўлланилиши ҳамда пушти баҳмалгулнинг қимматли биологик фаол моддалар манбаи эканлиги тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи «**Тадқиқот учун олинган хомашёлар ва дори воситаларининг сифатини баҳолаш усуллари**» деб номланган бобида танланган таҳлил усуллари асослаш, асосий ва ёрдамчи моддалар, қўлланилган физик ва физик-кимёвий таҳлил усуллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқотларда Давлат Фармакопеясида ташқари, физик-кимёвий, хромато-масс спектроскопия, юқори самарали суюқлик хроматографияси, спектрофотометрия, гравиметрия ва бошқа усуллар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пушти баҳмалгул илдизи ва пояси қуруқ экстрактларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар**» номли учинчи бобида пушти баҳмалгул илдизи ва пояси қуруқ экстрактлари технологиясини ишлаб чиқиш, экстракция жараёнининг оптимал шароитларини танлаш, қуруқ экстрактлар технологияларини тажриба-саноат шароитларида синовдан ўтказиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Пушти баҳмалгулдан қуруқ экстракт олиш учун хом ашё сифатида ўсимликнинг илдизи ва поялари ишлатилди. Уларнинг кимёвий ва товаршунослик таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Пушти баҳмалгулдан қуруқ экстракт олиш мақсадида сувда эрувчан полисахаридлар (СЭП)ни экстракция қилиш усуллари ўрганилди. Бунда экстракция жараёнига маҳсулотнинг майдалик даражаси, СЭП ажралишига ҳарорат, вақт ва гидромодулнинг таъсири ўрганилди.

Оптимал шароитларни танлаш учун 1 мм дан кичик, 1,0-2,5 мм ва 2,5 мм дан катта бўлган майдаликдаги хом ашё ишлатилди. Бунда хом ашёнинг майдалик даражаси 1,0-2,5 мм бўлиши оптимал деб топилди. Бу шароитда СЭП ажралиши 2,5 мм дан катта бўлган майдаликдаги хом ашёдагига нисбатан кўпроқ эканлиги исботланди. Ҳаддан ташқари майда (1,0 мм дан кичик) хом ашёда эса филтрлаш жараёнида қийинчиликлар кузатилди. Шу

Пушти баҳмалгул илдизи ва поясининг кимёвий ва товаршунослик таҳлил натижалари

партия №	Таҳлил натижалари, %					
	қиздирилганда йўқотилган оғирлик	кул миқдори		полисахаридлар миқдори	минерал моддалар	органик моддалар
		умумий	10% HCl да эримайдиган			
пушти баҳмалгул илдизи						
1	7,61	9,01	0,82	8,23	0,2	0,6
2	8,35	8,32	0,65	8,26	0,3	0,8
3	8,84	9,43	0,90	7,63	0,7	0,5
4	9,43	8,61	0,70	7,98	0,5	0,6
5	9,17	8,32	0,91	8,22	0,5	0,4
пушти баҳмалгул пояси						
1	6,69	6,23	0,71	2,9	0,49	0,78
2	6,71	6,70	0,69	3,01	0,47	0,71
3	6,84	6,48	0,75	2,93	0,44	0,80
4	6,58	6,39	0,66	3,07	0,50	0,69
5	6,72	6,53	0,74	2,93	0,46	0,73

сабабли кейинги изланишларда 1,0-2,5 мм майдалик даражасидаги хом ашё ишлатилди.

Экстракция жараёнига ҳарорат катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли СЭП чиқимиға ҳароратнинг таъсири 30-40, 50-60, 70-80 ва 90-100⁰С оралиқларда ўрганилди. Экстракция ҳарорати оширилганда СЭП чиқими ошиб борди. 70-80⁰С ҳароратда экстракция тез кечди ва олинган маҳсулотда СЭП миқдори кўп бўлди. Ҳароратни янада ошириш СЭП миқдорини сезиларли оширмаслиги сабабли мақсадга мувофиқ бўлмади. Шу сабабдан жараёни 70-80⁰С да олиб бориш оптимал деб топилди.

Оптимал гидромодулни топиш учун 1,0-2,5 мм майдаликдаги хом ашё 70-80⁰С ҳароратда 1:10, 1:20, 1:30, 1:40 ва 1:50 нисбатларда экстракцияланди. Бунда гидромодул ошиши билан СЭП миқдори ошиши кузатилди. Шу билан бирга 1:40 ва ундан ортиқ бўлган гидромодулда 1:30 нисбатга қараганда сезиларли ортиш кузатилмади. Шу сабабдан 1:30 гидромодул оптимал деб топилди.

Шу билан бирга экстракция жараёнига вақтнинг таъсири ўрганилди. Бунда жараёни 20 дақ дан 50 дақ оралиғида олиб борилди ва 30 дақ бўлиши оптимал деб топилди.

Тажриба натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Олинган натижалар таҳлил қилинганда экстракция жараёнларини 1,0-2,5 мм катталиқда майдаланган маҳсулотда 70-80⁰С да, гидромодул 1:30 нисбатда, 30 дақиқа давомида олиб бориш оптимал деб топилди. Ушбу шароитларда илдиздан ва поялардан мос равишда камида 8% ва 2% миқдорда экстрактив моддалар ажратиб олинди.

**Экстракция жараёнига хомашёнинг майдалик даражаси, ҳарорат, гидромодул
ва вақтнинг таъсирини ўрганиш натижалари**

Экстракция шароитлари		СЭП чиқими, % (илдиз)	СЭП чиқими, % (поя)
Фракция ўлчами (элак тешикларининг ўлчами), мм	1,0 дан кам	7,9	3,3
	1,0-2,5	8,5	2,6
	2,5-3,0 дан катта	4,4	1,34
Экстракция ҳарорати, °С	30-40	4,1	1,1
	50-60	5,8	1,5
	70-80	8,5	2,6
	90-100	8,5	2,6
Гидромодул	1 : 10	4,4	1,4
	1 : 20	6,1	1,8
	1 : 30	8,8	2,6
	1 : 40	8,9	2,7
	1 : 50	8,9	2,77
Вақт, мин	20	7,1	2,1
	30	8,4	2,6
	40	8,5	2,6
	50	8,51	2,61

Полисахаридлар миқдори, намлик, кул миқдори, органик ва минерал ёт аралашмалари XI ДФ да келтирилган усулларда аниқланди.


1-расмда пушти баҳмалгул илдизи ва поясидан қуруқ экстрактлар олишнинг технологик чизмаси, 2-расмда қуруқ экстрактлар технологиясини синовдан ўтказиш учун қурилмалар чизмаси келтирилди.

Экстрактор 3 га люк орқали ВР 1.2. да майдаланган маҳсулот солинади. 2 ўлчагичдан керакли миқдорда сув қуйиб олинади, аралаштиргич ишлатилиб, буғ орқали реакторда қиздириш бошланади. Реактор ичидаги ҳарорат 70-80 °С етганидан 30 дақ ўтгач буғ бериш тўхтатилади. Биринчи экстракт қайноқ ҳолда йиғгич 4 га қуйиб олинади.


Икинчи экстракция ҳам 70-80°С ҳароратда 30 мин давомида олиб борилади. Экстракт 4 йиғгичга қуйиб олинади. Учинчи экстракция худди шу тартибда такрорланади. Олинган экстрактлар бирлаштирилиб, нутч фильтр 5 орқали филтрланади ва қуюлтириш босқичига берилади.

ТП.2 босқичда филтрат 60-70°С да вакуум шароитида буғлаткич 6 да қуюлтирилади. Қуюлтирилган экстракт йиғгич 8 да тўпланади ва пуркагичли қуритгич 7 да қуритилади.

Қуруқ экстракт оч жигарранг кукун, ўзига хос ҳид ва ширин мазага эга; сувда осон эрийди, спиртда кам эрийди, органик эритувчиларда эримайди.



1-расм. Пушти бахмалгул қуруқ экстрактини олишнинг технологик чизмаси



2-расм. Пушти бахмалгул қуруқ экстрактини олишнинг қурилмалар чизмаси

Пушти баҳмалгул илдизи ва пояси қуруқ экстрактларининг сифатини баҳолаш «Экстрактлар» умумий фармакопея мақоласи (ХІ ДФ, нашр 2) ва тегишли МХ талаблари асосида олиб борилди. Изланишлар натижалари 3-жадвалда келтирилган бўлиб, улар пушти баҳмалгул қуруқ экстрактларининг сифат кўрсаткичларини белгилашга асос бўлди.

3-жадвал

Пушти баҳмалгул илдизи ва пояси қуруқ экстрактларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари

Сифат кўрсаткичлари	Меъёри		Изланиш натижалари
	Илдиз экстракти	Поя экстракти	
Ташқи кўриниши	Жигарранг, ўзига хос хидли, гигроскопик аморф кукун	Оч жигарранг, ўзига хос хидли, гигроскопик аморф кукун	мос
Чинлиги	полисахаридлар	полисахаридлар	мос
Қиздирилганда йўқотилган оғирлик	5 % дан ошмаслиги керак	5 % дан ошмаслиги керак	
Оғир металлар	0,01 % дан кўп эмас	0,01 % дан кўп эмас	мос
Микробиологик тозалиги	1 г препаратда бактериялар ва замбуруғларнинг умумий миқдори 100 дан, энтеробактериялар миқдори 10 дан ошмаслиги, Escherichia coli, Pseudomonas aeruginosa и Staphylococcus aureus бўлмаслиги керак	1 г препаратда бактериялар ва замбуруғларнинг умумий миқдори 100 дан, энтеробактериялар миқдори 10 дан ошмаслиги, Escherichia coli, Pseudomonas aeruginosa и Staphylococcus aureus бўлмаслиги керак	мос
Миқдорий таҳлил	полисахаридлар йиғиндиси 20 % дан кам эмас	полисахаридлар йиғиндиси 8 % дан кам эмас	мос

3-жадвалдан кўриниб турибдики, қиздирилган йўқотилган оғирлик 5 % дан, полисахаридлар миқдори илдизда 20 % дан, пояда 8 % дан кам эмас, оғир металлар – 0,01 % дан кўп эмас. Қуруқ экстрактларнинг микробиологик тозалиги қўйилган талабларга мос келади.

Олиб борилган изланишлар натижасида УзКФИТИ тажриба ишлаб чиқариш корхонасида пушти баҳмалгул қуруқ экстрактларининг тажриба партияларини ишлаб чиқариш учун тажриба-саноат қурилмаси яратилди ҳамда саноат ва тажриба-саноат технологик регламентлари (ТСР) ишлаб чиқилди (2008 йил 14 июлдаги ПР 42 Уз-038731-04610617-1042-2009 саноат регламенти ва 2007 йил 28 декабрдаги ТСР лар).

Пушти баҳмалгул илдизи қуруқ экстракти учун ФС 42 Уз-1067-2017 ва пушти баҳмалгул пояси қуруқ экстракти учун ФС 42 Уз-1370-2017 тасдиқланди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Пушти баҳмалгул илдизи ва пояси қуруқ экстрактларининг кимёвий таркибини аниқлаш ва стандартлаш усуллари**ни ишлаб чиқиш» деб номланиб, унда олинган экстрактларнинг

кимёвий таркибларини ўрганиш ва стандартлаш бўйича изланишлар натижалари, таҳлил усулларини ишлаб чиқиш ва ВФМ лойиҳаларини тузиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Қуруқ экстракт оч жигаррангли, ўзига хос хидли аморф гигроскопик куқун. Қуруқ экстрактлар таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларнинг чинлиги ва миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди. Шу билан қуритилганда йўқотилган намлик миқдори, оғир металллар миқдори каби кўрсаткичлар аниқланди.

Изланишлар натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Пушти баҳмалгул қуруқ экстрактларининг физик-кимёвий таҳлил натижалари

Чинлиги		Экстрактив моддалар миқдори		Қурит. йўқотилган оғирлик миқдори, %		Оғир металллар	Микро-биол. тозалиги
спирт билан чўктириш	Фелинг реактиви билан реак.	илдиз экстракти	поя экстракти	илдиз экстракти	поя экстракти		
Тасдиқ.	Тасдиқ.	21,65	10,69	4,2	6,11	0,01% дан кам	Тасдиқ.
		20,89	10,70	3,7	6,23		
		20,76	10,62	3,2	6,70		
		21,25	10,69	3,5	6,09		
		20,48	10,58	3,8	6,14		

Пушти баҳмалгул илдизи ва пояси ва улардан олинган экстрактларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида уларнинг кимёвий таркиблари аниқланди. Поя ва илдиздан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш учун ўсимлик хом ашёси алоҳида ҳолда қайноқ сув билан экстракцияланди, филтрланди, вакуум остида қуюлтирилди ва пуркагичли қуриткичда қуритилди. Поя ва илдиздан экстрактнинг чиқими мос равишда 18% ва 22% ни ташкил қилди.

Ўсимлик қолдиқлари қайноқ сув билан экстракцияланганидан кейин утилизация қилиш учун уларнинг таркибидаги пектин моддалари (ПМ) ажратиб олинди. Уларнинг миқдори ва моносахаридлар таркиби 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Пушти баҳмалгулнинг поя ва илдизларида пектин моддалари ва уларнинг моносахаридлар таркиби

Орган	Полисахарид тури	Миқдори, %	Қандлар ўзаро нисбати					
			Rham	Ara	Xyl	Glc	Gal	UA
Поя	ПМ	4,3	4,5	1,0	кам	кам	4,2	+
	ГМЦ	26,6						
Илдиз	ПМ	2,3	18,0	3,0	кам	кам	1,0	+
	ГМЦ	14,1						

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, пояда ПМ ва ГМЦ кўп сақланади. Спирт билан қайта чўктириш, деминерализация жараёнлари ва қуритилгандан кейин ПМ оч-сарғиш рангли сувда коллоид

эритма ҳосил қилиб яхши эрувчи $[\alpha]_D^{20} + 170$ га эга бўлган урон кислота қолдиқлари ўзаро α -конфигурацияда боғланган гликозид боғларга эга. Урон кислоталар миқдори – 49 %. ИК-спектри (ν , см^{-1}) : 3600-3200, 2500, 1640, 1350, 1265, 1230, 1100, 830, 710, юқори ўсимликлар ПМ спектларига ўхшаш. Пектин арабиноза, глюкоза, рамноза, галактоза, ксилоза ва галактурон кислота қолдиқларидан таркиб топган ва у асосий занжирни ҳосил қилади.

Поя (26,6 %) ва илдиздан ажратилган гемицеллюлоза (14,1 %) оч-жигар ранг аморф кукун. ГМЦ сувли эритмалари крахмалга сифат реакция бермайди. Гидролизат таркибида галактоза, глюкоза, ксилоза, арабиноза, рамноза ва галактурон кислотаси аниқланди.

Поя ва илдиз қуруқ экстрактлари сувда эриб, шилликсимон эритма ҳосил қилади. Аммиак ёки ишқор эритмаси қўшилганда сариқ ранг беради (шиллик моддалар). Экстрактларнинг крахмал сақламаслиги унинг йод билан ўзига хос реакция бермаслиги билан аниқланди.

Поя ва илдиз қуруқ экстрактларида мос равишда 16 % ва 20 % сувда эрувчан полисахаридлар сақланади. Улардаги полисахарид миқдорлари хона ҳароратида сувда эритиб, спирт ёрдамида чўктириб аниқланди.

Спиртли эритма қуюлгунча буғлатилди ва қоғоз хроматографияси усулида сахароза, глюкоза, галактоза, арабиноза ва олигосахаридлар борлиги аниқланди.

Поя қуруқ экстракти полисахаридларини тўлиқ кислотали гидролиз қилиш орқали қоғоз ва газ-суюқлик хроматографияси воситасида рамноза, арабиноза, глюкоза ва галактозаларнинг 17,6:2:1:2,8 нисбатда эканлиги ҳамда галактурон ва глюкурон кислоталари борлиги аниқланди.

Илдиз қуруқ экстракти полисахаридларини тўлиқ кислотали гидролиз қилиш орқали қоғоз ва газ-суюқлик хроматографияси воситасида рамноза, арабиноза, глюкоза ва галактозаларнинг 20:2:1:1 нисбатда эканлиги ва урон кислоталари борлиги аниқланди. Шиллик намуналари таркибида рамноза кўпроқ сақланадини қайд қилиш лозим.

Пушти баҳмалгул илдизи ва пояси қуруқ экстрактлари кимёвий таркиби ўрганилганда моносахаридлар, олигосахаридлар, шиллик моддалар, микроэлементлар ва оксиллар борлиги аниқланди.

Диссертациянинг **«Пушти баҳмалгул илдизи ва пояси қуруқ экстрактлари асосида дори препаратлари технологияларини ишлаб чиқиш»** деб номланган бешинчи бобида олинган тайёр дори препаратлари, жумладан «Альцеум», «Глицирозин» таблеткалари, «Глицирозин», «Гастрофит», «Глицирофит» капсулалари ва «Пульмостим» қиёмининг технологияларини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган.

Пушти баҳмалгул қуруқ экстрактининг таблеткаларига шартли равишда «Альцеум» деб ном берилди.

«Альцеум» таблеткалари технологиясини ишлаб чиқиш. Пушти баҳмалгул илдизи қуруқ экстракти асосида таблетка олиш учун унинг технологик хоссалари ўрганилди.

Изланишлар натижалари б-жадвалда келтирилган.

Пушти баҳмалгул илдизи куруқ экстрактивнинг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирл.	Натижа
Фракцион таркиб:		
+ 2500	мкм, %	-
- 2500 + 1000		1,4
- 1000 + 500		13,8
- 500 + 250		69,0
- 250 + 125		14,6
- 125		1,2
Сочилувчанлик	кг/с · 10 ⁻³	1,840
Сочилувчан зичлик	кг/м ³	440,0
Прессланувчанлик	Н	80,7
Зичланиш коэффициенти	-	2,90
Қолдиқ намлик	(70 ⁰ С), %	8,0

6-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, илдиздан олинган куруқ экстрактивнинг технологик хоссалари тўғридан-тўғри таблетка олиш учун ярамайди. Шундан келиб чиққан ҳолда прессланувчи таблетка массасининг технологик хоссаларини яхшилаш учун турли хилдаги ва миқдордаги ёрдамчи моддалар қўшилди.

7-жадвалда «Альцеум» таблеткаси учун тайёрланган бир қанча таркиблар келтирилган.

«Альцеум» таблеткасини олиш учун таркиблар

Ингредиент	Таркиб 1	Таркиб 2	Таркиб 3	Таркиб 4	Таркиб 5	Таркиб 6	Таркиб 7
Пушти баҳмалгул куруқ экстракти	0,200	0,200	0,200	0,200	0,200	0,200	0,200
МКЦ «Интроцел»	0,130	0,100	0,345	0,100	-	-	0,200
Натрий хлорид	-	-	-	0,095	0,098	0,0485	-
Натрий гидрокарбонат	-	0,0465	-	0,100	0,098	0,0485	-
Картошка крахмали	0,116	-	-	-	-	-	0,145
Кальций стеарат	0,004	0,0035	0,005	0,005	0,004	0,003	0,005
Ўргача оғирлик	0,400	0,350	0,500	0,500	0,400	0,300	0,500

Ушбу комбинациялардан №5 таркиб ундан олинган таблеткаларнинг мазкур дори шаклига қўйиладиган талабларга жавоб берганлиги учун танлаб олинди (7-жадвал).

«Альцеум» таблеткалари TSh 2-01:2002 «Дори воситалари сифати стандартлари, асосий ҳолатлар» ва XI ДФ талаблари асосида стандартланди. «Альцеум» таблеткалари учун ВФМ (ВФС 42 Уз-1068-2007) тасдиқланди ва ЎзР ССВ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг амалиётда қўллаш учун рухсати олинди (31.08.2007 йилдаги №04-07 гувоҳнома).

«Глицирозин» таблеткалари технологиясини ишлаб чиқиш.

Кейинги изланишларимиз пушти баҳмалгул ва қизилмия илдизлари куруқ экстрактлари асосида яллиғланишга қарши ва балғам кўчирувчи самарадор препаратни яратиш ва стандартлашдан иборат бўлди. Шу мақсадда пушти баҳмалгул ва қизилмия илдизлари куруқ экстрактларидан турли нисбатдаги таркиблар тайёрланди.

Ўрганилаётган экстрактларнинг оптимал нисбатини топиш мақсадида уларнинг 1:1, 1:2, 2:1, 3:1 ва 1:3 нисбатдаги аралашмалари яллиғланишга қарши таъсирини скрининг тажрибаларида ўрганилди ва бунда пушти баҳмалгул ва қизилмия илдизлари куруқ экстрактлари нисбати 2:1 бўлиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Пушти баҳмалгул ва қизилмия илдизларининг 2:1 нисбатдаги куруқ экстрактлари аралашмасига шартли равишда «Глицирозин» деб ном берилди.

Таблетка таркибига кирувчи ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини илмий жиҳатдан асослаш учун «Глицирозин» субстанциясининг физик-механик ва технологик хоссалари ўрганилди.

Олиб борилган тажрибалар натижалари 8-жадвалда келтирилган.

Олинган натижаларга асосан, куруқ экстракт таблетка олиш учун ижобий технологик хоссаларга эга эмас. «Глицирозин» таблеткалари прессланувчи массасининг технологик хоссаларини яхшилаш учун унинг таркибига ҳар хил миқдорда турли ёрдамчи моддалар киритилди.

8-жадвал

«Глицирозин» субстанцияси технологик хоссаларини ўрганиш натижалари

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирл.	Натижа
Фракцион таркиб:		
+ 2500	мкм, %	-
- 2500 + 1000		0,8
- 1000 + 500		10,8
- 500 + 250		69,6
- 250 + 125		17,6
- 125		1,2
Сочилувчанлик	кг/с · 10 ⁻³	1,70
Сочилувчан зичлик	кг/м ³	425,0
Прессланувчанлик	Н	80,0
Зичланиш коэффициенти		2,95
Қолдиқ намлик	(70 ⁰ С), %	6,0

Дастлабки тажрибаларда бир нечта таркибли прессланувчи массалар тайёрланди, уларнинг технологик хоссалари ва физик-механик кўрсаткичларини ўрганилди.

9-жадвалда текширилувчи таблеткаларнинг бир қанча таркиблари келтирилган.

Олинган натижалар асосида №4 таркиб ижобий технологик хоссаларга эга ва таблеткалар физик-механик кўрсаткичларининг талабга жавоб берганлиги сабабли оптимал деб топилди.

«Глицирозин» таблеткалари таркибини танлаш натижалари

Ингредиент	Таркиб 1	Таркиб 2	Таркиб 3	Таркиб 4	Таркиб 5	Таркиб 6
Глицирозин субстанцияси	0,150	0,150	0,150	0,150	0,150	0,150
Вино кислотаси	-	-	-	0,18	-	0,100
Натрий гидрокарбонат	-	-	-	0,066	-	0,047
МКЦ «Интроцел»	0,130	0,100	0,345	-	0,200	-
Картошка крахмали	0,116	0,047	-	-	0,145	-
Кальций стеарат	0,004	0,003	0,005	0,004	0,005	0,003
Ўртача оғирлик	0,450	0,300	0,500	0,400	0,500	0,300

«Глицирозин» таблеткалари прессланувчи массаси технологик ва физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари 10-жадвалда келтирилган.

Прессланувчи масса технологик хоссалари ва «Глицирозин» таблеткаларининг физик-механик кўрсаткичлари

Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирл.	Натижалар
I. Таблетка прессланувчи масса технологик кўрсаткичлари:		
Фракцион таркиб:	мкм, %	
+ 2500		-
- 2500 + 1000		5,6
- 1000 + 500		50,4
- 500 + 250		32,7
- 250 + 125		7,2
- 125		4,1
Прессланувчанлик	H	45,0
Сочилувчан зичлик	кг/м ³	620,0
Оқувчанлик	кг/с·10 ⁻³	8,36
Зичланиш коэффициенти	--	2,2
Қолдиқ намлик	(70 ⁰ C), %	4,2
II. Таблетка сифат кўрсаткичлари:		
Ўртача оғирликдан четланиш	г, %	0,400 ± 3,3
Баландлиги	мм	3,8
Парчаланувчанлик	с	600
Ишқаланишга чидамлилиқ	%	98,9
Сиқишга нисбатан чидамлилиқ	H	40,0

10-жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича ўртача оғирлиги 0,4 г бўлган «Глицирозин» таблеткалари XI ДФ талабларига жавоб беради.

«Глицирозин» таблеткалари учун ВФМ (ВФС 42 Уз-1069-2007) тасдиқланди ва ЎЗР ССВ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош Бошқармасининг тиббиётда ишлатиш учун рухсати олинди (31.08.2007 йилдаги №05-07 гувоҳнома).

«Глицирозин» капсулалари технологиясини ишлаб чиқиш.

Пушти бахмалгул қуруқ экстракти самарадорлигини янада ошириш мақсадида қаттиқ желатина капсула дори шаклини яратиш борасидаги

ишланишларни давом эттирдик. Кейинги ишланишларимизнинг мақсади «Глицирозин» препаратининг капсула дори шаклини яратишдан иборат бўлди.

Олдимизга қўйилган мақсадни амалга ошириш учун капсула дори шаклини олиш учун оптимал гранулометриқ таркибни танлаш билан боғлиқ бўлган вазифалар бажарилди.

Юқорида келтирилганидек «Глицирозин» субстанцияси юқори нам ютувчанликка эга бўлиб, салбий сирпаниш кўрсаткичига эгаллиги сабабли у билан капсулаларни тўлдириш қийинчилик туғдирди. «Глицирозин» таблеткалари технологиясини ишлаб чиқишда субстанциянинг грануланган ҳолатидаги шаклида нам ютиш кўрсаткичини камайиши аниқланган эди. Шу сабабли олдимизда капсула дори шаклига қўйиладиган талабларга жавоб берувчи сифатли препарат яратиш вазифаси турарди.

Олдимизга қўйилган вазифа экстрактлар аралашмасини фармацевтика саноатида кенг қўлланилувчи ёрдамчи моддалардан бўлган микрокристаллик целлюлоза қўшиш билан осонликча ҳал қилинди.

XI ДФ да элакдан ўтказиш орқали олиб борилган таҳлилларда гранулалар катталиги 0,2-2,0 мм орасида бўлиши кўрсатилган. Ўлчам бундан катта ва кичик бўлган гранулаларнинг умумий миқдори 5%дан ошмаслиги лозим. Бундан ташқари янги препарат сифатини таъминлаш учун сочилувчанлик ва қаттиқлик кўрсаткичлари ҳам ўрганилди. Ушбу кўрсаткичлар технологик нуқтаи-назардан гранулаларнинг муҳим тавсифлари бўлиб, дозалаш жараёнига, ташиш вақтида ва тайёр дори шаклининг турғунлигига таъсир кўрсатади.


«Глицирозин» субстанциясини гранулашда XI ДФ талабларига жавоб берувчи гранулалар олинди. Заррачалар ўлчамлари 0,2-2,0 мм орасида бўлиб, бундан йирик ва майда заррачалар суммаси 5 % дан ошмади. Субстанциянинг қолдиқ намлиги $3,11 \pm 0,21$ % ни ташкил қилди, сочилувчанлик – $9,43 \pm 0,28$ г/с, сочилувчан зичлик – $0,78 \pm 0,04$ г/см³. Оптимал шароитда 5 серия «Глицирозин» гранулалари тайёрланди. 11-жадвалда олинган гранулаларнинг сифат кўрсаткичлари келтирилган.

11-жадвал

Глицирозин субстанцияси гранулаларининг технологик хоссалари

Тартиб №	Социлувчан зичлик, г/см ³	Социлувчанлик, кг/с·10 ⁻³	Қолдиқ намлик, %
1	0,74	9,21	2,97
2	0,79	9,24	2,72
3	0,77	9,58	3,11
4	0,81	9,65	3,55
5	0,79	9,49	3,21

Олинган гранулаларнинг фракциялар таркибини (0,2-2,0) мм ораликда ўрганиш, керакли ўлчамдаги фракция миқдори ($97,05 \pm 1,1$) % ташкил қилиб, XI ДФ нинг гранулаларга қўйилган талаби бажарилади. Натижалар 3-расмда ўз аксини топган.



3–расм. Гранулалашда гранулаларнинг фракциялар бўйича тақсимланиши

Гранулаларни қадоқлаш учун капсула ўлчамини танлаш. Олинган гранулаларнинг талабларга жавоб бериши ва сочилувчан зичлигини инобатга олган ҳолда №0 ўлчамли қаттиқ желатин капсулалар танланди. Капсулалар гранулалар билан тўлдирилиб, технологик кўрсаткичлари ўрганилди.

Битта капсула таркиби: «Глицирозин» субстанцияси – 0,15 г (шу жумладан пушти баҳмалгул куруқ экстракти – 0,1 г, қизилмия илдизи куруқ экстракти – 0,05 г), Микрокристаллик целлюлоза – 0,1 г. Капсула ичидаги масса миқдори – 0,25 г.

12-жадвал

«Глицирозин» капсулаларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари

Аниқланган кўрсаткичлар	МХ бўйича меъёрлар	Олинган натижалар
Ташқи кўриниши	Ичида ўзига хос ҳидли, ширин таъмли кулранг кукун сақлаган “0” ҳажмли желатин капсулалар	мос
Чинлиги	Глицирризин кислотаси ва полисахаридларга сифат реакциялари	мос
рН	3,5-5,5	4,7
Парчаланиши	20 мин дан кўп эмас	11,5 мин
Оғир металллар	0,01 % дан кўп эмас	мос
Микробиологик тозалиги	Категория 3Б. 1 г препаратда бактериялар ва замбуруғларнинг умумий миқдори 100 дан, энтеробактериялар миқдори 10 дан ошмаслиги, Escherichia coli, Pseudomonas aeruginosa и Staphylococcus aureus бўлмаслиги керак	мос
Миқдорий таҳлил	Полисахаридлар, 20,0 мг дан кам эмас Глицирризин кислотаси, 8,0 мг дан кам эмас	24,4 мг 8,7 мг

«Глицерозин» капсулаларининг сифатини баҳолаш натижалари 12-жадвалда келтирилган. Олиб борилган изланишлар натижаларига кўра, таҳлил қилинаётган капсулалар сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича тегилши МХ талабларига мос келади.

Олинган маълумотлардан «Глицерозин» капсулалари синов-саноат регламентини ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Олиб борилган изланишлар натижасида «Глицерозин» капсулаларига КФМ (ФСП 42 Уз-22815978-3118-2017) тасдиқланди ва 2017 й. 6 июндаги №01572/06/17 сонли Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси олинди.

«Гастрофит» капсулалари технологиясини ишлаб чиқиш.

Илмий адабиётларда баҳмалгул пояси таркибидаги полисахаридлар ошқозон ярасига қарши фаолликка эга эканлиги кўрсатилган. Пушти баҳмалгул пояси қуруқ экстрактининг клиник олди фармакологик тадқиқотлари асосида унинг ошқозон ярасига қарши фаоллиги тасдиқланди.

Пушти баҳмалгул пояси қуруқ экстракти хоссалари ўрганилганда унинг гигроскопиклиги ҳамда технологик хоссаларининг салбий эканлиги аниқланди. Субстанциянинг физик-механик ва технологик хоссаларини ўрганиш натижалари 13-жадвалда келтирилган.

13-жадвал

Пушти баҳмалгул пояси қуруқ экстрактининг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари

Ўрганилувчи кўрсаткич	Ўлчов бирл.	Натижа
Фракцион таркиб: + 2500	мкм, %	-
- 2500 + 1000		4,5
- 1000 + 500		45,5
- 500 + 250		35,2
- 250 + 125		14,8
- 125		-
Сочилувчанлик	кг/с · 10 ⁻³	2,0
Сочилувчан зичлик	кг/м ³	450
Прессланувчанлик	Н	70
Зичланиш коэффициенти	-	3,6
Қолдиқ намлик	(70 ⁰ С), %	6,0

Пушти баҳмалгул пояси қуруқ экстрактининг технологик кўрсаткичларини яхшилаш учун унинг таркибига турли миқдордаги ҳар хил ёрдамчи моддалар қўшилди.

Дастлабки тажрибаларда бир қанча таркибли прессланувчи массалар тайёрланди ва уларнинг технологик ва физик-механик кўрсаткичлари аниқланди. 14-жадвалда ушбу таркиблар келтирилган.

Жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, №2 таркиб энг оптимал технологик ва физик-механик кўрсаткичларни намоён қилди (14-жадвал).

Оптимал таркибдаги пушти баҳмалгул пояси қуруқ экстракти капсулаларига шартли равишда «Гастрофит» деб ном берилди.

«Гастрофит» капсулаларини тайёрлаш учун таркиблар

Ингредиент	Таркиб 1	Таркиб 2	Таркиб 3	Таркиб 4	Таркиб 5	Таркиб 6
Гастрофит субстанцияси	0,300	0,300	0,300	0,300	0,300	0,300
МКЦ	0,200	0,100	0,050	0,050	-	0,100
Аэросил	0,094	-	-	0,046	0,094	0,094
Крахмал	-	-	0,096	-	-	0,100
Магний стеарат	-	-	-	-	0,006	0,006
Кальций стеарат	0,006	-	0,004	0,004	-	-
Ўртача оғирлик	0,600	0,400	0,45	0,400	0,400	0,600

15-жадвалда келтирилган натижалардан прессланадиган массаларнинг технологик хоссалари субстанцияни кига қараганда яхши томонга ўзгарганини кўриш мумкин.

«Гастрофит» капсуласи массаси технологик ва физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари

Ўрганилган кўрсаткич	Ўлчов бирл	Олинган натижа
Фракцион таркиб:	мкм, %	
+ 2500		-
- 2500 + 1000		24,0
- 1000 + 500		56,0
- 500 + 250		12,7
- 250 + 125		7,3
- 125		-
Говаклик	%	45,2
Сочилувчан зичлик	кг/м ³	600
Сочилувчанлик	кг/с·10 ⁻³	7,0
Табиий оғиш бурчаги	градус	40
Зичланиш коэффициенти	-	3,0
Қолдиқ намлик	%	6,0
Прессланувчанлик	Н	65

6 та сериядаги капсулаларнинг сифати парчаланиш ва эриш кўрсаткичлари бўйича баҳоланганда 2-таркиб оптимал деб топилди. «Гастрофит» капсулалари технологияси тажриба-саноат шароитларида синовдан ўтказилди ва бунинг асосида ТСР тасдиқланди (2011 йил 24 декабрдаги ТСР).

«Глицирофит» капсулалари технологиясини ишлаб чиқиш.

Юқорида илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра пушти баҳмалгул пояси таркибидаги полисахаридлар ошқозон ярасига қарши фаолликка эга эканлиги айтиб ўтилган эди. Кейинги изланишларимизда баҳмалгул поясидан олинган қуруқ экстрактнинг таъсирини янаям кучайтириш мақсадида унинг қизилмия илдизи қуруқ экстракти билан ҳар хил нисбатдаги аралашмаларини ўрганилди ва 2:1 нисбатдаги аралашмага шартли равишда «Глицирофит» деб ном берилди.

Олиб борилган клиниколди фармакологик изланишлар «Глицирофит» препарати учун бир марталик доза 0,3 г бўлиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. 16-жадвалда «Глицирофит» субстанциясининг технологик хоссалари келтирилган.

16-жадвал

«Глицирофит» субстанцияси технологик хоссаларини ўрганиш натижалари

Ўрганилган кўрсаткич	Ўлчов бирл.	Олинган натижа
Фракцион таркиб: + 2500		-
- 2500 + 1000	мкм, %	20,8
- 1000 + 500		44,0
- 500 + 250		20,6
- 250 + 125		14,6
- 125		-
Говаклик	%	47,7
Сочилувчан зичлик	кг/с · 10 ⁻³	1,70
Сочилувчанлик	кг/м ³	425,0
Табиий оғиш бурчаги	Н	80,0
Зичланиш коэффиценти	-	2,95
Прессланувчанлик	Н	65
Қолдиқ намлик	(70 ⁰ С), %	6,0

